ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ



ОРИЕНТАЛ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

ШАРАФ КОДЕКСИ

Тошкент - 2024



Азиз фарзандларим!

Халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишлар кутаётганини ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг! Юртнинг юксак ишончи ва умидини тўла оқлаш, унга муносиб бўлиш дунёдаги энг улуғ бахтдир.

Шундай шараф барчангизга насиб этсин.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

Мундарижа

1. Кириш 4

2. Ориентал университетининг мақсадлари 5

3. Ориентал университети жамоаси “Шараф кодекси”нинг маънавий-ахлоқий нормалари 5

- Жамоанинг шарафли бурчлари
- Ориентал университети профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг шарафли бурчлари
- Талаба ва докторантларининг шарафли бурчлари

4. “Шараф кодекси”нинг қўлланилиши 9

5. “Шараф кодекси” нозирларининг ҳуқуқлари..... 10

6. “Шараф кодекси” нозирларининг вазифа ва мажбуриятлари..... 11

7. “Шараф кодекси” нормаларига риоя қилиш устидан назорат қилиш..... 12

1. Кириш

Ушбу “Шараф кодекси” ўзида Ориентал университетининг шонли тарихи давомида шаклланган ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегияси талабларидан келиб чиқувчи корпоратив қадриятларни мужассам қилади;

Ориентал университетининг Шараф кодекси университет педагог ва бошқа ходимлари, талабалари, докторантлари (кейинги ўринларда тегишлича ходим, талаба, докторант деб юритилади)ни корпоратив қадриятлар асосида бирлаштиради ҳамда уларнинг хулқ-атвор нормаларини, фаолиятининг маънавий-ахлоқий меъёрларини белгилайди, касбий одоб-ахлоқининг тамойиллари, нормалари, таълим-тарбия жараёни ва корпоратив хулқ-атворининг асосий коидаларига риоя қилинишини, ҳамда ишга, ўз ўзига, ўзаро муносабатларни тартибга солади.

Ушбу Кодекс бизнинг фаолиятимизнинг маънавий-ахлоқий асоси бўлиб, бизнинг хатти-ҳаракатларимизни, қабул қилдиган қарорларимизни тартибга солади. “Шараф кодекси” Ориентал университетининг бебаҳо қадриятларини шарафлайди, ҳимоя қилади, янада мустаҳкамлайди ҳамда бизнинг:

Стратегик мақсадимизга етишимизда;

ўзаро ҳурмат-иззат, масъулиятлилик ва бошқа юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга асосланган корпоратив маданиятимизни бунёд қилишимизда мададкор бўлади;

Ориентал университетининг турли касб, даража, авлодлар, миллат вакиллари бўлган профессор-ўқитувчилари, ходимлари, магистрлари ва талабалари ишонадиган, амал қиладиган, бир корпоратив мақсад йўлида бирдам бўлишга чорлайди;

Шунинг учун ушбу “Шараф кодекси”га амал қилишни ҳар бир профессор-ўқитувчи, ходим, магистр ва талаба ўзининг шарафли бурчи, деб билади.

2. Ориентал университетининг мақсадлари

Ориентал университетининг жорий мақсади - замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини қўллаш асосида бозор иқтисодиёти талабларига мос рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборат.

Ориентал университетининг стратегик мақсади - таълим-тарбия сифатини ошириш, жаҳон талаблари даражасига кўтариш орқали жаҳон университетларининг 1000 талигига кириш, Ўзбекистон олий таълим муассасалари орасида лидерлик позициясини қўлга киритиш ва сақлаб қолишдир.

3. Ориентал университети жамоаси “Шараф кодекси”нинг маънавий-ахлоқий нормалари

Жамоанинг умумий бурчлари

Биз – ОРИЕНТАЛ жамоаси, ҳар биримиз ушбу Шараф кодексига амал қилсак, Ориентал университети фаолиятининг самарадорлиги ошишига, Ўзбекистонда ва жаҳонда унинг шон-шарафи юксалишига ишонамиз.

Биз университетнинг тарихий илмий-маърифий қадриятларни асраб-авайлаймиз - Ориентал университетида тўпланган илмий, тарбиявий анъаналарни, университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари, магистрлари ва талабалари ишонадиган, жамоа томонидан амал қилинадиган, қадрланадиган шарафланадиган фазилатлар, ютуқлар, муносабатлар, хотира, ёдгорликларини эъзолаймиз.

“Биз бир жамоа - бир команда” руҳига содиқмиз – биз университет ходим, талаба ва докторантлари ўз ўқиш ва хизмат фаолиятларини маънавий-ахлоқий қадриятлар, Ватанга

садоқат, хизмат ва ўқиш бурчига содиқлик асосида жамиятнинг университетга талаби ва ишончини ифодалаган ҳолда бир команда бўлиб амалга оширамиз. Бир биримизга беғараз қўллаб-қувватлаймиз, юзага келувчи муаммоларни ечишда ҳозиржавоб ва бирдам бўламиз.

“Биз коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши турамиз” - университет ходим, талаба ва докторантлари коррупциянинг ҳар бир шакли ва кўринишини қабул килмайдилар ва унинг бирор-бир тарзда намоён бўлишига қарши ҳамжиҳатликда қонуний чораларни кўрадилар.

Биз университет Коррупцияга қарши курашиш дастури ва университет “Ходим, талаба, ўқувчи ва докторантлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш тўғрисида”ги низом талабларини сўзсиз бажарамиз.

“Шараф кодекси” устоз-шогирдлик анъаналарига ҳамда устозларнинг маънавий-ахлоқий лидерлигига асосланади. Ҳар бир кафедра мудири, декан ва унинг ўринбосарлари, тьюторлар талаба ва докторантларга “Шараф кодекси”га мос хулқ моделининг намунаси бўладилар.

Ориентал университети профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг шарафли бурчлари:

Биз - Ориентал университети профессор-ўқитувчилари ва бошқа ходимлари, талабалари, докторантлари Ўзбекистоннинг инсон капиталини яратишдек масъулиятни зиммамизга олганмиз ва бундан фахрланамиз.

Биз ватанпарвар, юксак малакали, университетимизга муносиб иқтисодчи шогирдлар етиштириб, уларнинг ҳурматига сазовор, ибратли Устозлар бўламиз.

Биз ҳар бир талаба, докторантда аввало инсонни, шахсни кўрамиз ва уларга Устозликни ўзимиз учун шараф деб биламиз.

Ориентал университети профессор-ўқитувчилари ва бошқа ходимлари талабанинг меҳрибон ва талабчан дўсти. Биз инсон қадрини улуғлаймиз, ҳар қандай такаббурликка қаршимиз ва талабалар билан мулоқатга ҳар доим очиқмиз.

Биз талабаларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби таянч фазилатларни тарбиялаш учун ўз устимизда доим ишлаймиз.

Биз ўз фанимиз бўйича янгиликларни, хориж тиллари, педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш бўйича мунтазам ишлаймиз.

Биз талабаларни илмий-тадқиқот ишларига қизиқтирамиз. Ёшларни кашфиётлар оламига олиб киришни ўзимизнинг устозлик бурчимиз, деб биламиз.

Биз - Ориентал университети профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ўзимизнинг ташқи кўринишимиз, хулқимиз билан талабаларга ибрат бўламиз.

Биз иш вақтидан самарали фойдаланамиз, университетнинг моддий-техник ашёлари, мулкини асраб-авайлаймиз

Биз университетимизда “Шараф кодекси”га зид ҳаракатларнинг олдини олишга, тўхтатишга ҳаракат қиламиз.

Талаба ва докторантларнинг шарафли бурчлари:

Биз талаба, магистр ва докторантлар Ватанга садоқат, замонавий билим ва кўникмалар бизнинг бахтли бўлишимизга ва

Ватанимиз Ўзбекистонни юксалтиришига ишонамиз ва шу сабабли тиришқоқлик билан ўқиймиз.

Биз талаба, магистр ва докторантлар ўзлигимизни англаб, ўз характеримизни кучайтириб, иродамизни чиниқтирамиз. Чунки ана шундагина биз ўз кучимизга таяниб, мустақил ҳаётда муваффақиятларга эриша оламиз.

Биз талаба, магистр ва докторантлар бунёдкор, креатив фикрлаймиз, чунки одамнинг фикрлари унинг сўзларига, хатти-ҳаракатларига айланади. Ким бунёдкор, позитив фикрларни ўйласа, у ҳаётда ҳам бунёдкор бўлади, вайронкорликка қарши туради.

Биз талаба, магистр ва докторантлар яхши фикр, яхши сўз, яхши амал қоидаси асосида яшаймиз, чунки сизга одамлар қандай муносабатда бўлишларини истасангиз, уларга шундай муносабатда бўлиш кераклигига ишонамиз.

Биз талаба, магистр ва докторантлар бир неча хорижий тилни, ахборот технологияларини, ўз мутахассислигимизни юксак даражада эгаллаймиз, чунки биз шундай қилмасак, ўзимизга, Ўзбекистонимизга, оиламизни фаровон қила олмаймиз.

Биз талаба, магистр ва докторантлар ОРИЕНТАЛ шаънини юксак мақомда сақлаймиз, кундалик ҳаётда ва ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларда намунали хулқ-атвор билан университет имижини юксалтирамиз.

Биз талаба, магистр ва докторантлар университетни битириб, қаерда, қайси лавозимда ишлашимиздан қатъий назар, Ориентал университети шон-шарафига муносиб бўламиз.

Устозлар ишончини оқлаймиз.

Янги Ўзбекистон тараққиётига садоқат билан хизмат қиламиз.

4. “Шараф кодекси”нинг қўлланилиши

“Шараф кодекси”да белгиланган маънавий-ахлоқий хулқ нормаларининг муносиб ижросини йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини таъминлаш учун Ориентал университетида “Шараф кодекси”нинг ваколатли нозирлари гуруҳи тузилади.

Ориентал университетида университет ректори раислигида жамоатчилик асосида иш юритувчи “Шараф кодекси”нинг ваколатли нозирлар гуруҳи 3 йил муддатга тузилади ва гуруҳ аъзоларининг рўйхати Ориентал университети ректори буйруғи билан тасдиқланади.

“Нозирлар гуруҳи” аъзоси: ўз хоҳишига кўра ёки амалдаги қонун ҳужжатлари, университет ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда шараф кодекси талабларига зид фаолият билан шуғулланганда; университет ходимлари томонидан шараф кодекси нозирини алмаштириш тўғрисида мурожаат қилинганда Ориентал университети ректори буйруғи билан муддатидан олдин гуруҳ аъзолигидан чиқарилиши мумкин.

Ориентал университети ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори “Шараф кодекси”нинг ваколатли нозирлар гуруҳи раисининг ўринбосари ҳисобланади.

“Нозирлар гуруҳи”га факультетлардан 1 нафар юксак маънавиятли, талабчан, педагогик-психологик билимлар, аналитик, нотиқлик қобилиятларга эга, ижтимоий фаол профессор-ўқитувчи, 1 нафар хотин-қизлар фаоли ва 1 нафар фаол талаба киритилади.

5.“Шараф кодекси” нозирларининг ҳуқуқлари

“Шараф кодекси”нинг нозирлари Ўзбекистонда амалда бўлган қонунлар, Ориентал университети Устави, “Одоб-ахлоқ қоидалари” ҳамда ушбу Кодекс доирасида фаолият юритадилар.

Шунингдек, Ориентал университетида “Шараф кодекси”ни жорий қилиш ва ундаги қоида ва нормаларга амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

“Шараф кодекси”ни жорий қилиш ва ундаги қоида ва нормаларга амал қилиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

“Шараф кодекси”ни жорий қилиш ва ундаги қоида ва нормаларга амал қилиш бўйича профилактик ишларни олиб бориш, юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олиш;

Қабул қилинаётган ички норматив ҳужжатларнинг “Шараф кодекси” қоида ва нормаларига мослигини экспертизадан ўтказиш;

“Шараф кодекси” нозирлари фаолияти очиқлик ва ошкоралик принциплари асосида олиб борилади ва университет ОАВ воситалари орқали ёритиб борилади.

Университет, факультет Илмий кенгашларида, Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишларида “Шараф кодекси” нормаларининг ижроси ҳақида чиқишлар қилиш;

Ректорат ва факультет раҳбариятига “Шараф кодекси”га намунавий риоя қилувчи профессор-ўқитувчилар, ходимлар, талаба ва докторантларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш;

Аттестация комиссиялари ишида иштирок этиш;

Профессор-ўқитувчилар, ходимлар, талабалар томонидан “Шараф кодекси” қоида ва нормаларининг бузилиш ҳолатлари, уларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганиш ва университет, факультет, кафедраларда муҳокамасини уюштириш ҳуқуқларига эга.

6. “Шараф кодекси” нозирларининг вазифа ва мажбуриятлари

“Шараф кодекси” нозири ўз хулқи билан “Шараф кодекси”га риоя қилишнинг шахсий намуна кўрсатиши;

Маънавий-ахлоқий таҳлил, тарбия масалалари бўйича ўзининг педагогик-психологик билимларини ошириб бориши;

Профессор-ўқитувчилар, ходимлар, талабалар ва докторантлар орасида Кодекс ва унга амал қилишнинг моҳияти тўғрисида мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш;

Ориенатл университети оммавий ахборот воситаларида, маънавий-маърифий тадбирларида “Шараф кодекси”нинг аҳамияти тўғрисида чиқишлар қилиш;

Ориентал университети жамоасида маънавий муҳитнинг соғлом ва барқарорлигини таъминлаш учун амалий, натижали ишлар қилиш;

ходимлар орасида содир бўлиши мумкин бўлган келишмовчиликларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бориш;

манфаатлар тўқнашуви, ходимлар орасида хизмат юзасидан муаммоли вазиятлар юзага келган ҳолатларда масалага “Шараф кодекси” нуқтаи назаридан баҳо бериш;

айрим профессор-ўқитувчилар, ходимлар, талабалар, докторантлар томонидан “Шараф кодекси” нормаларининг бузилиш ҳолатларига тегишли факт ва ҳолатларни “Шараф кодекси” нозирлар гуруҳи муҳокамасига олиб чиқиш;

7. “Шараф кодекси”га риоя қилиш устидан назорат қилиш

“Шараф кодекси”га риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати Ориентал университети “Шараф кодекси” нозирлар гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Ориентал университети профессор-ўқитувчилари, ходимлари томонидан ушбу кодекс нормаларининг бузилиши ойлик мукофот, рағбатлантириш ёки компенсациянинг тўлиқ ёки бир қисми миқдорида маҳрум қилиниши, интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши каби оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

“Шараф кодекси” қоида ва нормалари тўпланган тажрибалар асосида Ориентал университети жамоатчилиги вакиллари иштирокида ҳар йили бир марта муҳокама қилиниб, унинг матнига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.